

№ 3 /2022 ШАРТНОМА

“Юқоричирчиқ сув иншоотлари бошқармаси” ходимлари учун “Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш тўғрисида)

“09” 12 2022 й.

Тошкент ш.

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази номидан ушбу “Тармоқ марказ” директори Ғ.Т.Бекмирзаев, тармоқ марказнинг амалдаги Низомига мувофиқ бундан буён «ИЖРОЧИ» деб аталувчи, бир томондан ва Юқоричирчиқ сув иншоотлари бошқармаси бошлиғи У.Т.Баратов бундан буён «БУЮРТМАЧИлар» деб аталувчи, иккинчи томондан қуйидаги шартномани тuzдик.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «БУЮРТМАЧИ» талаби бўйича, «ИЖРОЧИ» шартнома шартларига асосан, “Сув хўжалигида инновацион технологиялар ва улардан фойдаланиш” бўйича ўқитишни ташкил этиш.

II. МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Малака ошириш курси томонлар билан келишилган дастурлари бўйича икки томонлама тасдиқланган муддатлари жадвали асосида олиб борилади.

2.2. Машғулотлар институт ҳузуридаги тармоқ марказига ажратилган ўқув аудиторияларида (тайёр ҳолда) ўзбек тилида олиб борилади.

2.3. Малака ошириш курси 2022 йил «12» 12 дан 2022 йил «17» 12 гача бўлган даврда амалга оширилади.

2.4. «БУЮРТМАЧИ»нинг буюртмаси асосида, «ИЖРОЧИ» 4 (тўрт) нафар тингловчиларни малакасини ошириб беради.

2.5. «БУЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ» билан малака ошириш курси бошланишидан камида ўн кун олдин шартнома тузади ва мазкур шартнома шартлари асосида курсга қабул қилинади.

2.6. «БУЮРТМАЧИ» шартноманинг 2.3 - бандида келтириб ўтилган даврда, малака оширувчи шахс ўз вақтида келмаган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» ҳисобидан ўтказилган пул маблағи “ИЖРОЧИ” томонидан қайтарилмайди.

2.7. «БУЮРТМАЧИ» томонидан юборилган малака оширувчи (ходим) сабабсиз курсга қатнашмаганда ва «ИЖРОЧИ»нинг ички тартиб қоидаларини бузган тақдирида, малака ошириш курсидан «ИЖРОЧИ»нинг ички буйруғи билан четлатилади.

III. МАЛАКА ОШИРУВЧИЛАР СОНИ, ЎҚИШ НАРХИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 - жадвал

№	Ўқув режа йўналиши	Малака ошириш ҳажми (hafta)	Тингловчилар сони	Йилгирма нафар тингловчига тўғри келадиган умумий маблағ (сўм)
1	Қисқа муддатли ўқув курси	1 (36 соат)	4	6 736 028

Тўрт

Ғ.Т.Бекмирзаев

Шартноманинг умумий суммаси 6 736 028 (Олти миллион етти юз ўттиз олти минг йигирма саккиз) сўм 00 тийинни ташкил этади (харажатлар калькуляцияси илова қилинади).

3.2. «БУЮРТМАЧИ» томонидан шартнома тузилган санадан («ИЖРОЧИ») рўйхатдан ўтказилган кундан) бошлаб 3 (уч) иш кунни давомида шартноманинг 3.1 - бандида келтирилган умумий суммани олдиндан 30 % (фоиз) тўловини «ИЖРОЧИ»нинг банк ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3. «БУЮРТМАЧИ» шартнома суммасининг қолган 70 % (фоиз) қисмини курснинг 5 (беш) - кунда икки томонлама тасдиқланган малака ошириш муддатлари жадвали асосида юборилган тингловчиларнинг сонига ва тақдим қилинган ҳисоб - фактурага мувофиқ «ИЖРОЧИ»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб боради.

3.4. Мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 - бандларидаги шартлар ўз вақтида бажарилмаган тақдирда шартнома ўз кучини йўқотади.

3.5. Мазкур шартноманинг 2.7 - бандига асосан, шунингдек, икки томонлама тасдиқланган малака ошириш муддатлари жадвалига мувофиқ 3 (уч) кун мобайнида тингловчи ўқишга келмаган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» томонидан «ИЖРОЧИ»нинг ҳисобига ўтказилган пул маблағи «БУЮРТМАЧИ» га қайтарилмайди.

3.6. «БУЮРТМАЧИ» мазкур шартноманинг 2.7 - бандига асосан малака ошириш курсидан четлатилган тингловчида кейинчалик малака ошириш истаги пайдо бўлса, малака ошириш учун «ИЖРОЧИ» билан қайта янги шартнома тузади ва янги тузилган шартномага асосан мажбуриятларни бажаради.

3.7. Курсларни битирганлиги ҳақида сертификат, маблағ 100% тўлангандан сўнг берилади.

IV. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

4.1. «ИЖРОЧИ»нинг мажбуриятлари:

4.1.1. Ўқиш жараёни сифати ва ташкил қилинишига масъул ҳисобланади;

4.1.2. Тингловчиларни ўқув материаллари, техник воситалар ва компьютер техникалари билан таъминлайди;

4.1.3. Ўқиш тугагач, тингловчиларга белгиланган тартибда сертификат беради.

4.2. «ИЖРОЧИ»нинг ҳуқуқлари:

4.2.1 «БУЮРТМАЧИ» мазкур шартноманинг 2.7 ва 3.1 - бандларига риоя қилмаган тақдирда таълим олувчини малака ошириш курсидан четлаштириш;

4.2.2 Мазкур шартноманинг 2.3 - бандида келтирилган малака ошириш курсининг вақтини белгилаш;

4.2.3 Мазкур шартноманинг шартларидан келиб чиқиб, малака ошириш талабгорларнинг (таълим олувчиларнинг) талабидан келиб чиқиб курсларни ташкил қилиш;

4.2.4 Шартноманинг 3.4 ва 3.5 - банлари бажарилмаган тақдирда «БУЮРТМАЧИ» томонидан ўтказилган пул маблағини қайтармаслик;

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. «БУЮРТМАЧИ»нинг мажбуриятлари:

5.1.1 Икки томонлама тасдиқланган малака ошириш муддатлари жадвалда назарда тутилган миқдордаги тингловчиларни ўз муддатида ўқишга юборишни таъминлаш;

5.1.2 Малака ошириш курсига келаётган ходимнинг (таълим олувчининг) таълим олиш учун барча зарур ҳужжатларни, малака ошириш курси ташкил этилишидан олдин тақдим қилиш;

5.1.3 Малака ошириш учун ташриф буюрган ходимини дарс жараёнларига ўз вақтида қатнашишини ва «ИЖРОЧИ»нинг ички тартиб қоидаларига тўлиқ амал қилишини таъминлаш;

5.1.4 Малака оширувчи сабабсиз дарс қолдирмаслиги шарт, таълим олувчи сабабли ва сабабсиз бўлишидан қатъий назар қолдирган (қатнаша олмаган) дарсларни ўз вақтида қайта ўзлаштириши ва топшириши лозим;

5.2. «БУЮРТМАЧИ»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1 Телефон орқали, ёзма мурожаат ва бошқа мурожаатлар орқали малака ошириш курси қабули учун рўйхатдан ўтиш;

5.2.2 Имкониятларидан келиб чиқиб ўзларига қулай бўлган ўқиш даврига ёзилиши ва ўқиш жараёнлари бошланиш даврини ва навбатини телефон орқали билиб бориш;

5.2.3 Ўқув даврида «ИЖРОЧИ»нинг мавжуд ахборот ресурслар марказидан фойдаланиш;

VI. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ушбу шартноманинг шартларини тўлиқ бажармаган тақдирда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” қонуни талабларидан келиб чиқиб жавобгар ҳисобланадилар.

6.2. «БУЮРТМАЧИ» шартномага мувофиқ тўловларни ўз вақтида тўламаган тақдирда «ИЖРОЧИ»га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдоридан пеня тўлайди.

6.2. Ушбу шартнома бўйича томонлар ўртасида ҳосил бўлган келишмовчиликлар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

6.3. «БУЮРТМАЧИ» тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида ҳақини тўлашдан бош тортганлик учун «БУЮРТМАЧИ» ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

6.4. Шартноманинг 7.4 ва 7.5 бандлари тарафлар ўртасида тўлиқ бажарилмаса, яъни нарх ўзгарганлик бўйича қўшимча келишув имзоланмаса ва қўшимча келишув назарда тутилган қўшимча тўловни ўз вақтида тўлаб берилмаса малака оширилганлик сертифиқаи тақдим этилмайди.

VII. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар икки томон имзоланиб, ҳудудий Ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан кейинги ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

7.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш томонларнинг келишуви бўйича ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асослар бўйича амалга оширилади. 7.3. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга бу ҳақда камида 15 кун олдин ёзма хабарнома юбориши шарт.

7.4. Ўқиш жараёни билан боғлиқ харажатлар нархи ошиши муносабати билан малака ошириш курсининг нархи ошган ҳолларда, «БУЮРТМАЧИ» томонидан олдиндан тўловни амалга оширишига қарамай, нархлар ошиши туфайли ҳосил бўладиган фарқ суммасини мазкур шартноманинг 3.2 - бандида назарда тутилган тўлов шакли бўйича «ИЖРОЧИ»нинг банк ҳисоб рақамига 3 (уч) иш куни ичида ўтказиб бериши шарт.

7.5. Нархлар ошиши туфайли ҳосил бўлган фарқ суммасининг тўловини амалга ошириш учун «БУЮРТМАЧИ» ва «ИЖРОЧИ» ўртасида ўзаро қўшимча келишув имзоланади.

7.6. «ИЖРОЧИ» томонидан малака ошириш курси ташкил этилгунга қадар «БУЮРТМАЧИ» малака ошириш курсига қатнашиш истагини рад этса, «ИЖРОЧИ»нинг ҳисоб рақамига ўтказган пул маблағини қайтариб берилмайди.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.

8.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса, Тошкент туманлараро Иқтисодий суд орқали ҳал қилинади.

IX. ФОРС МАЖОР ҲОЛАТЛАР

9.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар “ёнгин, сув тошқини, zilзила ва бошқа шу каби табиий ҳолатларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари”да, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирдагина, мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

9.2. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан «БУЮРТМАЧИ» «ИЖРОЧИ» бир-бирига дарҳол хабарнома юбориши мажбурийдир.

X. БОШҚА ШАРТЛАР

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга киради ва «31» декабрь 2022 йилгача амал қилади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эга.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ИЖРОЧИ»

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот
университети ҳузуридаги педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш тармоқ маркази
Манзил: Тошкент ш. Қори Ниёзий кўчаси
39-уй.

Х/р: 23402000300100001010

ОКОНХ: 92200, ИНН201122919

Ўз. Рес. Молия Вазирлиги Ғазначилиги

Ш/р400110860262697096200079001

ТИҚХММИ ПҚҚТ ваМОТМ

ИНН303477163

Директор

Ф.Т.Бекмирзаев

«БУЮРТМАЧИ»

“Юқоричирчиқ сув иншоотлари бошқармаси”

Адрес: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар

А.Темур 12а-уй

Р/С: 100010860274197042990124001

ИНН: 200 946 329 ОКЭД: 92400

Ўзб.Рес.Молия Вазир.Ғазначилиги

Р/С: 2340 2000 3001 0000 1010

ИНН: 201 122 919 МФО: 00014

МБ ББ ХККМ Тошкент шаҳар

Директор

У.Т.Баратов